*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 11 декабрь, чоршанба • № 98 (10.873) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## БОЛАЛИ ОИЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида:

1. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақаларни шундай нафақага муҳтож оилаларгагина бериш ва уни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тўлаш тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари)нинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб болали оилаларга нафақалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари томонидан тайинланади ҳамда оилаларнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олинган ҳолда энг оз иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида тўланади:

**бир нафар болали оилаларга — 50 фоиз;**
**икки нафар болали оилаларга — 100 фоиз;**
**уч нафар болали оилаларга — 140 фоиз;**
**тўрт нафар ва ундан кўпроқ болали оилаларга — 175 фоиз.**

Болали оилаларга нафақа бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш мажбурий шартлар деб ҳисоблансин.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш барча органларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган махсус жамғармалар ташкил қилинсин, уларнинг маблағлари болали муҳтож оилаларга нафақа тўлаш учун сарфлансин.

Шу мақсадда:

Ўзбекистон Республикасининг халқ банки 1996 йилнинг 31 декабрига қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юридик шахс ҳуқуқи билан «Болалар нафақалари» махсус ҳисоб варақлари (илова ҳисоб варақлари)ни очсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1997 йилги бюджетни белгилаш чоғида ушбу нафақага муҳтож оилаларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда болали оилаларга нафақалар тўлаш учун зарур маблағларни кўзда тутсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, корхоналар ва ташкилотлар, хайрия жамғармалари ҳамда тадбиркорлик тузилмалари мавжуд имкониятларга мувофиқ ўз маблағлари ҳисобидан болали оилаларга ҳар томонлама қўшимча ижтимоий ёрдам берсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилиб, унда 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби ўрнатилишини кўзда тутсин.

6. Оммавий ахборот воситалари болали оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини фаол суратда олиб борсинлар, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни кенг кўламда хабардор қилиб турсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1383-сон Фармони 1997 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.***

Тошкент шаҳри,
1996 йил 10 декабрь.



## МАВҚЕ ТИКЛАНМОҚДА

ЧИРЧИҚДАГИ «Трансформатор» ҳиссадорлик жамияти илгаритдан донг таратган корхоналардан бири ҳисобланарди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли кучланишдаги трансформаторлар ва бошқа электр асбоб-ускуналари жаҳон бозорларида ҳам рақобатбардош эди. Лекин, кейинги вақтларда юзага келган иқтисодий мушкулликлар бу илғор корхона жамоасини ҳам четлаб ўтмади. Натижада, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган турли материаллар ва хом ашёларни келтириш ҳамда тайёр маҳсулотни сотишда қийинчиликларга дуч келинди. Лекин, корхона раҳбарлари ва жамоа бундай шароитда қўл қовуштириб ўтирмадилар, корхонанинг илгариги шуҳратини тиклаш учун тинмай изландилар. Айниқса, завод ҳиссадорлик жамиятига айланганлиги айни муддао бўлди. Хўжалик юритишнинг бу усулини жорий этиш кўп ўтмай ижобий натижалар бера бошлади. Буюртмалар кўпая борди. Бунда маҳсулот сифатининг тўхтовсиз ошаётганлиги ҳамда турларининг кўпаяётганлиги ҳал қилувчи роль ўйнади. Шу кунларда корхонада кучланиши бўйича бир-биридан фарқ қиладиган, лекин, халқ хўжалигининг барча тармоқларида муваффақиятли фойдаланиладиган ўнлаб трансформатор турлари тайёрланмоқда. Улардан тропик, шунингдек, ниҳоятда совуқ иқлим шароитларида ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Жамоатчи сураткаш Р. Шамсуддинов олган ушбу суратларда тайёрлаб қўйилган трансформаторларни (ўнгда) ҳамда корхонанинг илғор электр пайвандчиси Юрий Иванович Егоровни кўриб турибсиз. Бу моҳир ишчи 1964 йилдан бери шу даргоҳда фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Унинг бундай хизматлари яқинда муносиб тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан у мамлакатнинг юксак мукофоти — «Меҳнат шуҳрати» орденини олишга муяссар бўлди.

***М. МАҲМУДОВ.***

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ:
*воқеалар, хабарлар, янгиликлар*

### МУХЛИСЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

ВИЛОЯТ «Турон» кутубхонасида мунтазам равишда қизиқарли тадбирлар ўтказиб турилади. Чунончи, куни-кеча Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов билан ўтказилган ижодий учрашув ҳам шеърият мухлислари қалбида узоқ сақланиб қолади. Мулоқотта халқимизнинг ардоқли шоири Эркин Воҳидовнинг ихлосмандлари, дўстлари ва адабиётшунос олимлар йиғилдилар. Улар шоир ҳаёти, унинг ижодида акс эттирилган турли мавзуларнинг ўзига хос талқини ҳақида гапириб бердилар. Шеърият мухлислари шоир ижодидан намуналар ўқидилар.

Адабий учрашув сўнгида Эркин Воҳидов йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

***Бахтиёр БАҲОДИРОВ.***

### «Матбуот» электр жиҳозларини созлайди

Қуйичирчиқ туман ҳокимлиги қошидаги «Матбуот» фирмаси рўзнома ва идора қоғозларинигина чоп этмасдан, 30 нафар хўрандага мўлжалланган, қулайликларга эга бўлган ошхонани қуриб ишга туширди. Фирма раҳбари Шокир Абдукаримов иқтидорли йигитларни тўплаб электр буюмларини тузатадиган устахона ҳам очди. Мижозлар ишга ярокcиз бўлган дазмол, ойнаи жаҳон, радио, кир ювиш мосламаларини созлаб берган усталарга раҳмат дейишмоқда.

***Саиджон МУСТАФОЕВ.***

### ҒАМХЎРЛИК

АНГРЕН шаҳар ҳокимлиги ҳомийлигида бир гуруҳ ногиронлар, кам таъминланган оилалар қиш мавсумида ижтимоий ҳимояланадиган бўлди. 147 та оила имтиёзли нархларда, 17 та оила эса бепул уч тоннагача кўмир олишади. Кўмирни етказиб бериш ҳам ўз ечимини топди. Янгиобод шаҳар автокорхонаси 3 та юк машинасини ёрдамга берди. Айни кунларда Мирзаҳамдам Қурбонов, Парда Қобилов, Абдусалом Абдусамадов каби уруш қатнашчилари кўмирни олишди.

***Теша ШЕРАЛИЕВ.***

### ТЎНҒИЧ ХИФлар

БУТУН мамлакатимиздаги каби вилоятимизда ҳам кенг фуқаролар оммасини корхона-ташкилотлар акцияларини сотиб олиб, мулкдор бўлишларига ёрдам берувчи хусусийлаштириш-инвестиция фондлари ташкил этилмоқда. Уларнинг дастлабкилари Чирчиқ шаҳрида барпо қилинди. «Чирчиқ транст Компани» ва «Карина» масъулияти чекланган жамиятлар ўз ҳузурларида шундай фондлар тузишга лицензия олдилар. Бу хусусийлаштириш инвестиция фондлари яқинда ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Ўйлаймизки, бу тўнғич ХИФлар ёнига янгилари қўшилиб, вилоятимиз фуқаролари жамғармаларини дивиденд келтирадиган фойдали ишларга жалб қиладилар ва бу билан уларнинг фаровонлиги ортишига ёрдам берадилар.

***Собир ҲАМИДОВ.***

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ:
*воқеалар, хабарлар, янгиликлар*

## ИЛК ҚАДАМЛАР

ЎЗБЕКИСТОН оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси таъсис этилганига кўп бўлгани йўқ. У ҳозир ташкилий даврни бошдан кечирмоқда. Бу орада қилинаётган ишлар ҳақида жамғарма раисдоши Аҳмад Аъзам куни кеча журналистлар билан учрашувда сўзлаб берди. Ҳозиргача янги жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Фарғона, Наманган, Андижон, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида, Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлимлари тузилди.

Учрашув қатнашчилари демократик жараёнда матбуотнинг ўрни мавзуида сўз юритдилар. Ҳозирги ўтиш шароитида матбуотни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, уларнинг обрў ва эътибори учун курашиш ғоят муҳимдир. Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўзаро тажриба алмашиши, турли ахборот манбаларига эга бўлиши, хорижий ҳамкасблар билан алоқалар ўрнатиши, ўзаро гурунгларни ташкил этиши давр тақозо қилаётган масалалардир. Бу ва шунга ўхшаш вазифаларни ҳал этишда жамғарма қошида ташкил қилинган матбуот клуби яхши ёрдам бериши мумкин. Клуб раиси Амирқул Карим бу борадаги дастлабки режалар хусусида гапириб берди.

*1997 йил — Инсон манфаатлари йили*

## ОДАМИ ЭРСАНГ ДЕМАГИЛ ОДАМИЙ, ОНИКИ ЙЎҚ ХАЛҚ ҒАМИДИН ҒАМИ

***ОДАМЛАРГА яхшилик қилиш — ота-боболаримиздан мерос. Яхшиликнинг хосияти ҳақида қанчадан-қанча китоблар битилган, ҳикоятлар, ривоятлар, ҳадислар ёзилган. Бобомиз Алишер Навоий халқ ғами, ташвиши билан яшамаган инсонни инсон қаторига қўшмагил, дея ўгит бердилар. Бу ғоя асрлар оша халқимиз қалб тўридан жой олди.***

*Муносабат*

Республикамиз мустақилликка эришгач, мамлакатимизда эл манфаати йўлида кўп ишлар қилинди. Замини эзгулик булоғидан сув ичган ҳаёт тарзимизда саховатпешалик, одамийлик каби буюк фазилатлар янада жилоланиб, мазмунан бойиди. Республикамиздаги каби вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларида ҳам етимлар бошини силашга, ночор оилалар фарзандларини суннат қилиш, ўғилларини уйлаш, қизларини турмушга узатиш тўйларини ўтказиб бериш анъана бўлиб қолди. Кексаларни шарафлаш, беморларни йўқлаш, ётиб қолган, қаровчиси йўқ кишиларга мурувват кўрсатиш одат тусига кирди.

Бундай юксак инсонийлик бурчлари, шарқона тамойиллар Республикамиз конституциясида ўз аксини топди. Шу боис Президентимиз конституциямиз қабул қилинганлигининг тўрт йиллигига бағишланган йиғилишда «1997 йилни — Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиши нур устига аъло нур бўлди. Зеро, бизнинг бутун ҳаётимиз замирида кишилар турмуш фаровонлигини таъминлаш, маънавиятимизни бойитиш, ҳар бир фуқаронинг эркин яшаши учун шарт-шароитлар яратиш бош мақсад қилиб қўйилган. Конституцияда бу руҳ яққол сезилиб турибди.

Бош Қонунимиз асосида қабул қилинган «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида», «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлар ҳам ўзларининг ниҳоятда ҳаётбахшлигини, одамлар дилидаги гаплар эканлигини кўрсатди. Истиқлол йиллари ичида қабул қилинган кўплаб бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам эл манфаатига тўла-тўкис хизмат қилмоқда.

— Биз беозор ва мўмин халқмиз. Яшаган ҳар бир кунимиз учун Аллоҳга шукурлар қилишга, келажакка ёруғ умидлар билан боқишга одатланганмиз, — деди юртбошимиз мазкур анжуманда. — Бу яхши. Аммо, мен бугун сизнинг эътиборингизни келажак бугундан бошланиши лозимлигига қаратмоқчиман...

Дарҳақиқат, республикамизнинг ёрқин келажаги энди бошланмоқда. Буни ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз. Зеро, ислоҳотлар туфайли турмуш тарзимизда, маънавиятимизда, маданиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар кўлами ғоят кенгдир. Ўтган беш йил ичида қад кўтарган неча ўнлаб қўшма, ўрта, кичик корхоналар, мустаҳкам оёққа туриб бораётган хусусийлаштириш тармоқлари, бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланганларга кўрсатилаётган саховатпешалик, янги-янги иш жойларининг барпо этилиши, — буларнинг ҳамма-ҳаммаси истиқлолга юз тутган халқимиз манфаати йўлидаги дадил саъй-ҳаракатлар самараси сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда биргина вилоятимизнинг ўзида 2171 та хусусий, 214 та кичик корхоналар, 1371 та тадбиркорлик тизилмалари фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда Ўртачирчиқ туманининг Тўйтепа шаҳрида тантанали равишда очилган «Кобул—Тўйтепа текстиль» Ўзбекистон—Жанубий Корея қўшма корхонасининг замонавий дастгоҳларида 2400 нафар йигит-қиз иш бошлади. Шу тумандаги ўзбек-турк қўшма корхонаси — «Тўйтепа-Бурсел», Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси «Ана текстил»да ҳам мустақиллик йиллари ичида ишчилар ўрни кўпайди.

Мамлакатимизда инсонга яратилаётган қулайликлар ҳақида сўз юритар экан, одамларга ҳамиша, ҳар қачон алоҳида эътибор зарурлигини Президентимиз қайта-қайта таъкидлади.

— Жоиз бўлса, яна бир нарсани қайд этишни ўзимга фарз деб биламан, — деди юртбошимиз, — Хоҳ катта, хоҳ кичик корхона ёки ташкилот раҳбари ўз ходимининг ташвишларидан хабардор бўлмас, уларни севмас экан, у раҳбар бўлишга нолойиқдир...

Айни пайтда раҳбар ҳам, оддий ишчи-хизматчи ҳам фаравон ҳаётни яратиш, эл манфаатини таъминлаш мақсадида фидойилик билан ишлаши керак бўлади. Токи бизнинг бугунги ҳаракатларимиз авлодлар бахт саодатларига, ёрқин кунларига хизмат қилсин. Бунинг учун эса, Президентимиз таъкидлаганидек, тезроқ эскилик сарқитларидан, иллатларидан ҳоли бўлишимиз лозим.

Инсон манфаатлари деганда, энг аввало, одамга бўлган ҳурмат, қадр қиммат тушунилади. Оиласида, маҳалласида, иш жойида, жамиятда қадр топган одам бундай муҳитдан баҳра олади, кексалар айтишганидек, туп қўйиб, палак ёзади. Ота-онага ҳурмат эса бизнинг шарқона фалсафамиз мазмунини ташкил этади. Шу билан биргаликда ота-оналар ҳам фарзандлар олдида алоҳида бурчлидир. Президентимиз сўзларида ана шу қоидалар халқ манфаатини кўзлаган тамойиллар сифатида тилга олинди.

Юртбошимиз келаётган 1997 йилнинг бутун мақсади инсонлар манфаатига қаратилиши керак, дея даъват қилди. Ҳамманинг кўнглига ёқадиган айни муддао бу! Эндиги вазифа ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш учун ҳар биримиз муносиб саъй-ҳаракат билан бу хайрли ишга салмоқли ҳисса қўшишимиз лозим.

***Саидвали ҲАСАНОВ.***

*ҚОНУН ВА ИЖРО*

## ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

***Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни, бой тарихимизни тиклаш, уларни халқимиз қалбига етказиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Бу борада Республикамизда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонун ва топономияга оид қарор муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Хусусан, «Давлат тили ҳақида»ги қонун мустақил республикамизда бошқа миллат ва элатларнинг тилларини камситмаган ҳолда она тилимизни янада ривожлантириш, унинг асосий иш юритувчи тил бўлиши учун катта имкониятлар очди. Хўш, бу қонун жойларда қандай амалга оширилмоқда? Қуйида ана шу ҳақда мулоҳаза юритдик.***

Шуни айтиш керакки, жойларда бу қонунни амалга ошириш учун қатор ишлар қилинди. Идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва ўқув муассасаларида, ҳатто, болалар боғчаларида «Она тилим—жону дилим» мавзусида кечалар ва тилшунос олимлар билан учрашувлар ўтказилди. Кейинги вақтларда эса олий ўқув юртларида давлат тили бўйича мутахассислар тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилди.

Вилоятимиздаги кўпгина ўқув даргоҳларида, таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган жами ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўзбек тили асосий фан сифатида ўқитилаётгани, дарсликлар янгиланаётгани қувончлидир. Ўзбек тили олимпиадаларида рус, корейс ва бошқа миллат вакилларининг фарзандлари иштирок этиб, ўзбек тилини ўз тиллари қаторида севиб ўрганаётганлари, бироз қийналиб бўлса-да гапиришга ҳаракат қилаётганлари қалбимизни тўлқинлантириб юборади. Ахир, яқиндагина биз рус тилини яхши билмаслигимиздан уялиб, мажлис қарорларини ёзишга қийналиб юргандик. Бугун эса ўз фикримизни она тилимизда, унинг барча гўзалликлари, қайроқи иборалари, мақоллари воситасида ифода этмоқ бахтига мушарраф бўлдик.

Аммо «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижросини таъминлашга ҳамма ерда етарли эътибор берилмаяпти. Дастлаб ўзбек тилини ўргатувчи курслар кўплаб ташкил топган эди. Лекин, бундай курслар кейинчалик бироз камайиб кетди.

Араб графикаси асосида ўзбек ёзувини ўрганиш учун очилган курслар ва унга талаб ҳам назоратдан четда қолди. Ваҳоланки, маънавиятимиз юксалишида мумтоз адабиётимиз ва ўтмиш адабий меросимиз аҳамияти катта эканини унутмаслигимиз керак.

Маълумки, кўплаб жой номлари янгилари билан алмаштирилиб, давлат тилида ёзиб чиқилди. Бу яхши, аммо, бунда яна бир камчиликка йўл қўйилди. Айтайлик, Тошкент туманидаги собиқ Киров участкаси ва Энгельс номли мактаб номи Охунбобоев деб ўзгартирилди. Кетма-кет бир хил ёзувлар пайдо бўлди, Охунбобоев кўчаси, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги, Охунбобоев номли мактаб... Ахир, бир номни шунча жойга бериш шартмиди? Ёки бу ерда бошқа номлари абадийлаштирилишга арзигулик инсонлар топилмасмиди? Баъзан ҳокимият ва бошқа ташкилотлар рус номларини ўзбекчасига айлантириш қонуннинг амалга оширилиши, деб ҳисоблаган бўлса не ажаб?

Вилоятимиздаги кўпгина кичик корхоналар, савдо тармоқлари пештоқига ҳам пала-партиш қилиб номлар ёзилгану, унинг орқасидаги эски русча номи ёзилган тахтачалар олиб қўйилмаган. Ёки бўлмаса, зарур бўлса, бўлмаса, айрим сўзлар ўзбекчалаштирилаверган.

Нарх кўрсаткичлари, ёрлиқларнинг давлат тилида ёзиб қўйилиши у ёқда турсин, ҳатто, ёрлиқлар ёпиштирилмаган банкалар ҳам учраб туради. Фақат очиб кўриб унинг томат ёки шарбат эканлигини билиб олишингиз мумкин.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ишни катта ташкилотлардан бошламоғимиз зарурга ўхшаб қолди. Чунки, таълим муассасаларида бу ишларга эътибор кучли. Истаган мактабимизга кириб боринг, чиройли қилиб лотин ҳарфларида ўзбекча қилиб «Хуш келибсиз» деб ёзиб қўйилган тахтачани, ўзбек тилидаги ҳикматларни, даъватларни, деворий газеталарни кўрасиз. Юқорироқ ташкилотларда, масалан ишхона, касалхона кабиларда эса ҳамон тагида русча ёзилган рангли суратларни кўрасиз. Албатта, намунали ташкилотлар ҳам бор. Биз гап ўз эгасини топади, деб ўйлаймиз.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонунни бажариш ҳаммамиз учун қарз ва фарз эканлигини унутмаслигимиз зарур. Зеро, тил — миллат қалби, фахри ва бахтидир.

***Баҳодир ВАЛИЕВ.***

**Обуна-97 Обуна-97 Обуна-97 Обуна-97 Обуна-97 Обуна-97 Обуна-97**

## МЕН ОБУНАЧИ БЎЛДИМ...

ҲАР БИР газетанинг ўз йўналиши, талаби ва муштарийлари бор. Ҳар куни рўзнома варақламайдиган киши, шубҳасиз янгиликлардан бехабар қолади. Чойхонага чиқсангиз, маданият масканларига борсангиз, зиёлилар билан суҳбатлашсангиз, албатта рўзнома ва ойномаларда босилган янгиликлар, турли мавзулар ҳақида мунозара, баҳс бўлади.

Табиийки, телевидениени кўрмай, радиони эшитмай, газета ўқимай суҳбатга қўшилаолмайсиз. Шу маънода «Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳаётимизда рўй бераётган барча муҳим мавзуларни қамраб олишга ҳаракат қилмоқда. Узоқ йиллардан бери унинг фаол ўқувчиларинданман.

Газетага ҳурматим баланд. Шунинг учун, нафақамни олдиму, «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига 1997 йил охиригача обуна бўлдим.

**_Абдулла ТОЛИПОВ,_**
**_меҳнат фахрийси._**

## СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

***«Мен «Тошкент ҳақиқати»га ёзилдим. Салкам ўттиз йилдан бери унинг доимий ўқувчисиман. Ҳозирда бозор иқтисоди шароитини важ қилиб, газета ва журналларга ёзилмаганлар хато қиладилар, ахир қандай қилиб маънавий озуқасиз, дунёда юз бераётган воқеалардан хабарсиз яшаш мумкин». «Энг аввало истак керак, истак бўлса маблағ ҳам топилади. Телевидение, радио, газетасиз яшашни сира тасаввур қилолмайман».***

Редакциямизга ана шундай мазмундаги мактублар кўплаб келиб турипти. Ҳар бир газета ва журналнинг ўз ўқувчиси бўлгани каби «Тошкент ҳақиқати»га ҳам обуна бўлаётган, унга ҳар йили мунтазам ёзиладиган садоқатли ўқувчиларимиз борлиги бизни хурсанд этади.

1997 йилги газета ва журналларга обуна бўлиш якунловчи паллага кирган шу кунларда алоқа ходимларининг иши янада тиғизлашди. Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида обуна билан шуғулланаётган матбуот жонкуярлари ҳам бир қатор ибратли ишларни амалга оширяптилар. Хусусан, Тошкент, Пискент, Қибрай, Паркент туманларида 1997 йил матбуот нашрларига обуна уюшқоқлик билан ўтмоқда. Тошкент туманида 1270, Пискент туманида 1054, Қибрайда 938, Паркентда 810 муштарий «Тошкент ҳақиқати»га ёзилди. Зангиота, Оҳангарон, Бекобод туманларида ҳам муштарийларимиз кўпаймоқда. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу туманлар раҳбарларига, алоқа ходимларига ва доимий обуначиларимизга миннатдорчилик билдирмоқчимиз. Айни вақтда биз қаламкашлар келгусида газетани янада ўқимишли ва қизиқарли қилиб чиқариш, янги рукнлар остида «теша тегмаган» мавзуларда мақола ва хабарлар беришни режалаштирганмизни айтиб ўтмоқчимиз.

Албатта, ҳамма ерда ҳам 1997 йилга обуна талаб даражасида деб бўлмайди. Хусусан, вилоятимизнинг Оққўрғон, Қуйичирчиқ туманлари, Янгиобод, Чирчиқ шаҳарларида обуна ишлари бизни қониқтирмаяпти. Ўйлаймизки, мазкур шаҳар ва туман раҳбарлари, алоқа ходимлари зудлик билан чора-тадбирлар кўриб, қолган қисқа вақтдан унумли фойдаланиб, бутун диққат-эътиборни обунани муваффақиятли якунлашга қаратадилар.

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР, шошилинг «ОБУНА—97» тугашига саноқли кунлар қолди. «Тошкент ҳақиқати» Сизнинг газетангиз. Унга ўз вақтида обуна бўлсангиз мунтазам равишда хонадонгизга етказиб берилади. Обуна республика алоқа вазирлигининг тизимидаги матбуот тарқатиш бўлимларида расмийлаштирилади. Эслатиб ўтамиз, газетамизга обуна баҳоси йилига 940 сўм, ярим йилга 470 сўм. Тошкент шаҳри аҳолиси, шунингдек абонент қутичалари бўлган тошкентликлар учун обуна баҳолари бундан ҳам арзонроқдир.**

**ГАЗЕТАМИЗ НАШР ИНДЕКСИ: 64672.**

*Акс садо*

## «ҲАЁТ ДАРСЛИГИ»НИ ЎҚИБ...

***«Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг шу йил 20 ноябрь сонида босилган Абдулла Муталиевнинг «Ҳаёт дарслиги» мақоласини ўқиб, фикр-мулоҳазаларимни изҳор этишни лозим топдим.***

ЧИНДАН ҳам ўғил учун биринчи галда ота мураббий, қизга эса онадир. Агар, болаларга таълим-тарбия фақат мактабда берилади, десак янглишган бўламиз. Мактаб маънавият ўчоғи, дейилган тақдирда ҳам, ота-она болаларининг фақат моддий таъминотчиси бўлиб қолиши тўғримикан? Менимча, бугунги янгиланиш даврида ота-оналар фарзанд тарбиясида ўз ўринларини тўла англаб олишлари керак. Негаки, биз келажак авлодни вояга етказаяпмиз. Бугунги болалар эртага ўзлари ота-она бўлишади. Ахир, қуш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтишмайди-ку! Бола 4—5 соат вақтини мактабда ўтказгани ҳолда, 15—20 соатлик умрини оила бағрида кечиради. Оила эса муқаддас даргоҳ. Унинг бағрида камол топаётган ҳар бир ўсмир-қиз нафосатни, гўзалликни илғаши лозим. Бунда ота-онанинг роли беқиёсдир. Бола янги ўтқазилган кўчатга ўхшайди. Уни яхши парваришласангиз боғ эгаси бўласиз, мевасидан баҳраманд бўласиз. Йўқса...

Хуллас, шу руҳдаги мақолалар ҳам рўзномада кўплаб чоп этилса, мулоҳаза юритилса, ота-она, ўқитувчилар эса ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олсалар нур устига аъло нур бўларди.

**_Хушвақт ОМОНОВ,_**
**_Янги Тошкент консерва ҳиссадорлик жамияти аъзоси._**





## ТОШКЕНТГА САЁҲАТ... «КУЁВЛАР ТАНЛОВИ» БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва Республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими ҳамкорликда қишлоқ туманларидан келган бир гуруҳ аёлларни Тошкент бўйлаб сайрга таклиф этди.**

***Одамлар қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, аҳли жамоа, айниқса ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масалалари бугунги кунда айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Президентимиз 4 сентябрь куни «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашувида таъкидлаганларидек: Демократиянинг асл моҳияти инсон қадр-қиммати, ҳурмати ҳамма нарсадан улуғ, деган ақидадан иборат бўлиши лозим. Шўро даврида инсон жамоат, давлат учун хизмат қиларди, курашарди. Ҳолбуки, бу аксинча бўлиши керак. Инсон сўзи она-Ватан деган каломлар каби муқаддасдир.

Шу жиҳатдан ҳам Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими ҳамкорликда бир гуруҳ онахонлар ва опа-сингилларимизни пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига ташкил этган саёҳати бу борада амалга оширилаётган ишларнинг исботидир.

Вилоятимизда бундай тадбир учинчи бор ташкил этилиши. Дастлабки, қибрайлик, сўнгра Тошкент тумани хотин-қизлари, меҳнат фахрийлари Тошкентда бунёд этилган янги объектларни кўриб, маданий ҳордиқ олиб қайтган эдилар. Бу сафар пахта режасини биринчилар қатори бажарган Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Оққўрғон ҳамда қибрайлик бир гуруҳ онахонлар ва теримда жонбозлик кўрсатган кўпмингкилограммчи чеварлар пойтахт сари йўл олдилар. Йил бўйи тиним билмай ишлаган, кечагина азим пахтазордаги сўнгги юмушларини охирига етказган бу онахон ва сингилларимиз нафақат Тошкент бўйлаб ғаройиб саёҳатга, балки ундан ҳам юксакроқ эъзозга лойиқдирлар.

...Иккита шинам «Мерседес» автобусига жойлашиб кун бўйи шаҳарнинг тарихий жойлари, янги обидалар билан танишган аёллар ўз саёҳатларини Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали комедия театрининг «Куёвлар танлови» спектаклини томоша қилиш билан поёнига етказдилар.

— Заҳматкаш оналаримиз, чеварлар теримчиларимизни ҳар қанча ардоқласак ҳам оз, — дейди Маънавият маркази вилоят бўлимининг раиси Раҳматилла Шералиев, — юксак маънавият қарор топишида, уларни эл орасида кенг тарғиб қилишимизда бунга ўхшаш тадбирлар муҳим ўрин тутади. Ҳар бир иш ўзининг амалиёти билан чиройли. Насиб этса, опа сингилларимиз нафақат гўзал Тошкент чиройи билан, балки юртимиз фахри-ифтихори бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива каби жаҳон тан олган шаҳарларни ҳам ўз кўзлари билан кўриш бахтига муяссар бўладилар.

*Маънавият булоғи*

Биз шу куни саёҳат иштирокчиларининг таассуротларини сўрадик.

**Карима АБДУЛЛАЕВА,**
**Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Қибрай туманидаги «Турон» жамоа хўжалиги.**

— Мен 40 йилдан бери далада ишлаб келдим. Узоқ йиллар бригадага етакчилик қилдим. Замонадан ўргилай, мустақил бўлиб, юртимиз, айниқса, Тошкент кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Шаҳарга тез-тез тушиб турсакда, аммо ҳар сафар ўзимиз учун бирон-бир янгиликни кашф этиб қайтамиз. 4 ўғил, 4 қизга онаман. Ҳозирги кунда тадбиркорликка эътибор кучайиб бораётганиданми, ҳар қалай менда ҳам кўрпа-тўшак, ёстиқ-жилдлар тикиш каби соҳага ҳавасим қўзиб, хусусий фаолиятни бошлаб юбордим. Ҳа демай бир дўконча қуряпмиз, битиб қолса ўзимизнинг маҳсулотларни халққа сотамиз.

**Жибек ЭЛИБОЕВА,**
**Ўртачирчиқ туманидаги «Янги Тўлқин» жамоа хўжалиги аъзоси.**

— Туманимиздаги 30 дан зиёд аёллар қаторида мени ҳам Тошкентга саёҳатга таклиф этишганидан беҳад қувондим. Бу йилги терим палласида баҳоли қудрат ҳиссамни қўшганимдан хурсандман. Саёҳатдан таассуротларим катта. Уларни албатта ҳамқишлоқларимга айтиб бераман.

**Қизларгул АБДУҚОДИРОВА**
**ва Роза АБИШЕВАЛАР,**
**Юқоричирчиқ туманидаги поликлиника ходимлари.**

— Бизнинг меҳнатимизни ҳам инобатга олиб, саёҳатга таклиф этишганини эшитиб бирам қувондик. Айниқса, биз теримга киришган энг қизғин паллада буюк бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйлари кенг нишонланди. Ўшанда, насиб қилса, Тошкентга бориб Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар музейини зиёрат қилишни дилимизга тугиб қўйгандик. Худога шукур, мана ниятимизга ҳам етдик.

**Жамила БОЛТАБОЕВА,**
**Оққўрғон тумани ҳокимининг муовини.**

— Бизга мана шундай имкониятлар яратиб берган мутасадди ўртоқларга кўплаб оққўрғонлик чевар теримчилар ва турли соҳа вакиллари номидан миннатдорчилик билдираман. Тошкентга саёҳатимиз — биз севган санъаткорлар ижросида «Куёвлар танлови» билан ниҳоясига етгани ҳам мазмунли бўлди. Мана энди томошадан бир олам таассурот олиб, дилимиз шод бўлиб уйга қайтяпмиз.

**_Миржалол МИРАЛИЕВ,_**
**_«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири._**

**_• Суратларда: вилоят туманларидан келган аёлларнинг бир гуруҳи._**
**_Даврон АҲМАД олган суратлар._**

## ҚИЗЛАРИМИЗ ЭПЛИ БЎЛСИН!

*Илм устози — ота мақомида,*
*Ҳунар устози — она мақомида.*
***Халқ мақоли.***

ОИЛАДА қиз туғилди. Ота-онанинг қувончи чексиз эди. Фарзандга муносиб ном қўйиш ҳам ота-онанинг фарзларидан бири. Улар қизимизда барча яхши хислатлар муҳайё, жамулжам бўлсин дея, Муҳайё деб ном қўйдилар. Ҳақиқатан қизчада кўпгина фазилатлар камтарлик, тиришқоқлик, меҳнатсеварлик кабилар кўзга ташлана бошлади. У Тошкент туманидаги 15-мактабни тугатиб, Тошкент политехника техникумининг технология бўлимига кириб ўқиди. Сўнг 1972 йилда ўзи таълим олган севимли мактабига ўқитувчи бўлиб келди.

Тез орада устозлари Муборак опа, Эргаш Юнусов, Дилафрўз Каримжоновалардан иш тажрибаларини ўрганиб, уларнинг ёрдамида моҳир муаллима бўлиб олди. Қизлар билан осон тил топиша билди. Дарсларни шароит ва имкониятларга мослаб ўтиши барчага манзур бўлди. Илм ва ҳунарга бўлган иштиёқ уни Низомий номли педагогика институтида сабоқ олишга чорлади. 1988 йилда институтни ҳам муваффақиятли тугатиб олди. Шундан бери туманимиздаги 15-мактабда меҳнат фанидан дарс бериб келмоқда.

Муҳайё опада киндик қони тўкилган қишлоғи ва ўзи ўқиган мактабига шундай садоқат борки, бундай меҳр-муҳаббат камдан-кам одамда учрайди. Ўзи шаҳарнинг Юнусобод Оқтепасида яшаса-да, 25 йилдан буён салкам 25 километр узоқдаги мактабига қатнаб ишлайди. Бўлмаса унинг ёнгинасида мактаб бор. Ҳар сафар шуни сўраганимда, кулиб дейдилар: Тўғри, мактаблар кўп. Аммо у мактабга шундай ўрганганманки, асти қўяверасиз, турмуш ўртоғим ҳам шу мактабда дарс берганлар. Жамоа аҳил, меҳрибон онам ҳам шу қишлоқда яшайдилар. Билмадим, мактабни оҳанграбоси кучлими, киндик қоним тўкилган қишлоқ тупроғи азизми, ҳар ҳолда шу ердан узилолмайман.

Муҳайё опа билан суҳбатлашар эканман, гап албатта дарсга бориб тақалади.

— Аслида меҳнат дарслиги жуда қизиқарли. Қизлар пазандалик, тикувчилик, чеварликни шу дарсда ўрганадилар. Дастурда озиқ-овқат бўлими бўлиб, бунда сабзавотлар, сут ва хамир маҳсулотлари билан ишлаш режалаштирилган. Биз имкониятга қараб, уйда мавжуд бўлган сабзавотлардан, хуллас боридан фойдаланиб, маҳсулотлар тайёрлаймиз. Газлама қийиқларидан фойдаланиб, қуроқли буюмлар тикишни ўргатяпман. Қизлар стул устига қуроқ кўрпача, чойнак учун таглик, қуроқ дастурхонча ва бошқаларни тикиб, чеварликни ўрганяптилар. Мақсадим қизларимиз эпли бўлишсин, «у-бу нарса йўқ», демай, йўқни йўндиришни ўрганишсин.

Бу гапларда жон бор. Негаки, қизларимиз эпли бўлиб, тикиш-чатишни, пазандаликни яхши ўргансалар, кейинги ҳаётлари ширин бўлади. Меҳнат дарслари қизларни оилага тайёрлаши билан аҳамиятлидир. Афсуски, кўпгина мактабларда бу фанга иккинчи даражали, деб қарайдилар. Мен эса Муҳайё опа каби тадбиркор муаллималар кўп бўлиб, меҳнат фанига эътибор оширилиши тарафдориман.

*Маорифимиз фидойилари*

Яхши муаллима яхши оила бекаси ҳам бўла олади. Муҳайё опа турмуш ўртоқлари Шоортиқ ака билан беш фарзандни тарбиялаяптилар. Қизлари Сурайё ТошДУ иқтисод факультетининг 5 курс толибаси, ҳам қайнота-қайнонанинг дуосини олаётган дилбар келинчак. Ўғиллари Шоқосим ва Шоолим хизматчи, бўш вақтларида деҳқончилик билан шуғулланишади. Шожалил мактабда, Шомуслим эса бувижониси Ҳамро ая билан бирга. Дам олиш кунлари Муҳайё опа меҳмон кутишни, ширин таомлар тайёрлашни яхши кўрадилар. Яна бир воқеани ҳеч унутмайман:

Кунлардан бир кун касал бўлиб қолган ҳамкасбимнинг ўрнига дарсга кирганди. Ўзимнинг 6 соат дарсимдан кейин яна 5 соат дарс ўтдим. 6 соатга бориб чарчаганман, шекилли, бир бола гаплашиб ўтирганидан жаҳлим чиқиб, қўлимдаги бўрни қандай отиб юборганимни билмайман. У бола энгашиб қолди ва орқасида жим ўтирган Шоқосимга бўр бориб тегди. Дарсдан сўнг Шоқосимни олиб уйига бордим. Ҳали мен гап бошламасимдан онаси: «Вой, болам сизни овора қилиб қўйибди-ку! Неча марта унга ўқитувчиларингни қийнама, уларга қийин, 30 та бола билан муомала қилишнинг ўзи бўладими, дейман. Бирортаси билан урушдими, ҳали адаси келсинлар гаплашамиз», — деб мендан узр сўрадилар.

Мен уларга воқеани айтиб бериб, ўзим узр сўрашга келдим, дегандим:

— Ўқитувчи ҳеч қачон айбдор эмас, сизга бировнинг дарсини ўтиш осонми, сизга раҳмат, шу кичкина боламни, деб келибсиз, — дея Шоқосимдан ҳеч қандай айби бўлмаса ҳам мендан кечирим сўраттириб, уйга киргизиб юбордилар. Биз шу баҳона танишиб олдик. Бу аёл юқорида биз тилга олган МУҲАЙЁ ШОМАҲМУДОВА эдилар.

Бу воқеани айрим ота-оналарга ибрат бўлар деб келтирдим. Орамизда ўқитувчининг бир оғиз дашномига чидолмай шикоят қилган эркатойларининг кўнглига қараб, ўқитувчилар билан уришиб кетадиганлар ҳам топилади. Боласи олдида ўқитувчининг обрўсини тўкиб, айбдор фарзандининг ёнини олади. Эртага бирор кўнгилсизлик бўлса, яхши тарбия бермаган, деб ўқитувчини айблайди. Аслида, «Ким нима экса, шуни ўради».

Ва унутмайликки: «Ота-меҳридан — устоз жабри афзал».

**_Маҳмуда ЗОИРХОН қизи,_**
**_Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси._**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## ТАНИШИНГ: «СУМИТОМО»

***«Сумитомо Корпорейшн» — Япониянинг илғор универсал савдо фирмаларидан бири ҳисобланади. У кенг миқёсда фаолият олиб боради. Бундан ташқари у ички бозор савдоси, четга маҳсулот чиқариш ва четдан олиб келиш операциялари, молиявий масалалар ҳамда йирик лойиҳаларни сармоялаш каби соҳалар билан шуғулланади.***

Фирма МДҲ давлатларида 10 ваколатхона очган. Шулардан бири Тошкентда жойлашган. Четга чиқариладиган маҳсулотлари мажмуини нефть ва газ саноати учун зарур бўлган пўлат қувурлар, енгил автомобиллар ва қурилиш машиналари, телеалоқавий қурилмалар, кимёвий моддалар ташкил этса, четдан олиб келинадиган маҳсулотлари жумласига кўмир, рангли металлар, пахта толаси, ёғоч моллари ва шунга ўхшаш маҳсулотлар киради.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан бўлган суҳбатда ана шу фирманинг Тошкентдаги ваколатхонаси бошлиғи жаноб Мицугу Томита Ўзбекистондаги фаолиятига тўхталиб, юртимизга улар томонидан нефть ва газ конлари учун зарур турли қувурлар келтирилишини таъкидлади. Бундан ташқари, ўтган йили иккала томон ўртасида бир қанча шартномалар имзоланиб, қилинажак саъй-ҳаракатлар учун 2 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилганлигини ҳам қайд этди.

Юртимизда ҳозирча ягона ҳисобланган «Ўзинавтосервис» ўзбек-япон қўшма корхонаси муваффақият билан иш олиб боряпти. У «Сумитомо Корпорэйшн» иштирокида очилган. Бу корхона «Тойота» русумли автомашиналар сотувини ва уларга кўрсатиладиган техник хизматни йўлга қўйган. Биз ўтган йили Ўзбекистонга 80 автомашина ва автобуслар олиб келдик. Тез орада «Сумитомо Корпорэйшн» фирмаси юк машиналарига техник хизмат кўрсатиш марказини ҳам очиш ниятида. Фирмада Ўзбекистондаги япония техникаларига эҳтиёт қисмлар етказиш муаммолари устида бош қотиришмоқда. Ҳозирданоқ Ўзбекистонга «Коматцу» бульдозерлари ҳамда «Като» кранлари учун йиғув қисмлар олиб келиш бошланди. Япон томони Ўзбекистон йўлларида маршрут такси сифатида фойдаланишга мўлжалланган «Тойота» микроавтобусларини олиб келишни молиявий томондан таъминлашни ҳам режалаштирмоқдалар.

*Ўзбекистон — Япония*

— Фирмамиз, — деб гапида давом этди жаноб Томита, — Ўзбекистон бозорларига «Sanyo» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган бутун дунёга машҳур хўжалик молларини келтиряпти. Acer компанияси билан ҳамкорликда Финляндияда шахсий компьютерларни йиғувчи заводни қурдик. Унинг маҳсулотлари билан МДҲ давлатларининг бозорларини тўлдириш мўлжалланган. Республикангизга етук мутахассислар тайёрлашда ёрдам берамиз. Бу борадаги дастур кенг қамровга эга.

Шунингдек, фирма раҳбариятининг қарори билан тўрт йил ичида «Сумитомо Корпорэйшн»нинг махсус стипендиялари бериб борилади. Бу йил Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг 5 талабаси ана шу стипендияга сазовор бўлди.

Ҳозир «Сумитомо Корпорэйшн», ACER фирмалари ва «Ўзэлтехпром» ассоциацияси ҳамкорлигида Тошкентда шахсий компьютерларни йиғадиган қўшма корхона қурилиши тўғрисидаги лойиҳа устида иш олиб борияпти.

Ўзбекистон Бош вазирининг Японияга сафари ўзбек-япон муносабатларини янада мустаҳкамлайди. Ташриф давомида Ўзбекистон Бош вазирининг «Сумитомо Корпорэйшн» фирмаси раҳбарияти билан бўладиган учрашуви ҳам режалаштирилган. Учрашувдан кўзда тутилган асосий мақсад икки томонлама ҳамкорликка алоқадор масалалар тўғрисида маслаҳатлашишдан иборат.

**_Суннат ШЕРОВ,_**
**_«Жаҳон» ахборот агентлиги._**

## ҲАЖ САВОБИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Индонезия президенти Сухарто яқинда Иордания қироли Ҳусайн билан учрашиб, ўзаро музокаралар олиб борди. Музокараларда Индонезия мусулмонларининг Иордания орқали Қуддуси Шарифга зиёрат қилиши масаласи ҳам кўриб чиқилди. «Биз, — деди президент Суҳарто, — мусулмонларнинг Қуддусдаги Ал-Ақса масжидига Иордания пойтахти Оммон орқали «Умра» зиёратини амалга оширишларига имконият яратиб бериш ниятидамиз». Президентнинг бу гаплари тагида маълум сабаблар ётипти. Шуни айтиш керакки, Маккага бориб ҳаж сафарида қатнашиш учун Индонезияга ҳар йили 200 минг ўрин берилади. Бироқ бу ўрин ҳажни ихтиёр этган мусулмонлар учун озлик қилмоқда. Кўп одамлар Маккаи Мукаррамага қайта-қайта бориб зиёрат қилиш ниятидадир. Президент шуни эслатдики, ҳар бир мусулмон ўз ҳаётида бир мартагина ҳаж қилса, кифоя. Шунинг учун бир марта зиёрат қилиб келганлар бу ерга бориш истагидаги бошқа одамларга ҳам имкон беришлари лозим. «Маккада бўлган одам иккинчи марта сафар қилиш ўрнига рўза пайтида «Умра» зиёрати қилиши мумкин. Бу зиёрат ҳам ҳаж қилгандек қадрлидир», — деди президент.

## ИБОДАТ ҚИЛУВЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

АҚШда ҳозирги вақтда мингдан ортиқ масжид бор. Уларнинг аксарияти (тўртдан уч қисми) кейинги ўн беш йил ичида очилди. Мамлакатдаги мусулмонлар сони 5—6 миллионга боради. Бу жиҳатдан мусулмонлар АҚШдаги иккинчи диний жамоани ташкил этадилар. Улар сони тез ўсиб бормоқда.

Айни пайтда Ислом Марказларини мамлакатнинг турли шаҳарларида учратиш мумкин. Жумладан, Теннеси штатининг Нэшвилл, Флорида штатининг Тампа, Колумбия округининг Вашингтон шаҳарларида ана шундай марказлар иш олиб бормоқда. Маҳаллий ислом марказлари ва масжидларда араб тили, ислом асослари ўргатилади, турли мавзуларда маърузалар қилинади.

Мамлакатда Ислом дини кенг тарқалаётганлигига президент Билл Клинтон ва унинг рафиқаси руҳонийларга хайрихоҳлик кўрсатаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ўтиб бораётган йилда Президент мамлакат мусулмонларини диний байрамлар билан табриклади. Хиллари хоним эса Рамазон байрами шарафига Оқ уйда ўтказилган биринчи қабул маросимида бош-қош бўлди. Олий даражадаги бу маросимда мамлакатдаги 100 га яқин мусулмон ўз оиласи билан қатнашган эди.

## МИЛЛИОНЕР СПОРТЧИЛАР

АҚШда нашр этиладиган «Форбс» журнали миллионер спортчилар рўйхатини эълон қилди. Унда 1996 йилда энг кўп маош олган америкалик таниқли чарм қўлқоп қироли Майк Тайсон биринчи ўринни эгаллаб турибди. М. Тайсоннинг йиллик даромади 75 миллион АҚШ долларига тенг.

Миллионер спортчилар рўйхатида баскетболчи Майкл Жордан иккинчи ўринда туради. Унинг банкдаги ҳисоб варақасида 52,6 миллион доллар бор. 33 миллион доллар соҳиби бўлган германиялик автопойгачи Михаэл Шумахер эса дунёдаги бадавлат спортчиларнинг учинчиси ҳисобланади.

**_(ЖАҲОН АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ)._**




*Вилоятимиз бўйлаб. Олмалиқ шаҳри автовокзали.* *Даврон АҲМАД олган сурат.*

## «САҲОВАТ» ДЎКОНИ

«Чинобод» қишлоқ марказида кўркам бир бино қад ростлади. Қизиғи шундаки, ушбу иморат иккинчи гуруҳ ногирони, маҳаллий тадбиркор Эргаш Нуралиев ҳамда «Бурота» жамоа хўжалиги маблағи эвазига қурилди. Пештоқига «Саҳоват дўкони» деб ёзилган бу бинода барча ёшдагилар ўзларига мос кийим-кечак, ўқув қуроллари ва кундалик зарур маҳсулотларни харид қилиши мумкин.

***Абдуҳамид ФОЗИЛОВ,* *Қибрай тумани.***

# ҚУВОНЧ ВА АЛАМ

EMIRATES 96 XITH ASIAN CUP

ЯРИМ тунда, аниқроғи, 3 дан 5 дақиқа ўтганда телевизор экрани олдидан қўзғалган миллионлаб мухлислар қатори менинг ҳам қувончим чексиз бўлди. Ватандошларимиз Хитой футболчилари устидан: 2:0 ҳисобида ғолиб келдилар. Игорь Шквирин ва Олег Шацких икки бор рақиблар дарвозасига тўп киритиб, мухлисларни беҳад мамнун этдилар. Биринчи бўлим деярли тенг кураш остида ўтган бўлсада, иккинчи бўлим бошланиши биланоқ хитойлик футболчилар ҳужумга зўр бериб, Павел Бугало дарвозасини таҳликага сола бошладилар. Ҳимоячиларимиз хатога йўл қўйишди, бироқ, дарвозабон П. Бугало ҳушёр турди. У бир неча бор қийин тўпларларни қайтариб қолди. Омад ҳам биз томонда бўлди. Учрашув интиҳоси бизнинг фойдамизга тугади.

Душанба куни Япония терма жамоаси билан бўлган ўйинда эса футболчиларимизнинг ожизлиги, қовушмаслиги, жон куйдирмаслиги мухлислар ҳафсаласини пир қилди. Япония футболчилари бутун ўйин давомида майдонда тўла ҳукмронлик қилдилар. 9-дақиқадаёқ ҳисобни очган рақибларимиз ғалабага астойдил ишонган ҳолда ҳаракат қилдилар ва иккала бўлимда иккитадан тўп киритиб, йирик 4:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Бир-бирига ўхшамайдиган икки ўйин. Қувонч ва алам. Энди бутун умид эртага Сурия терма жамоаси билан бўладиган учрашувда қолди. Ғалаба футболчиларимизга навбатдаги босқичга йўл очиб беради. Дуранг натижа кифоя қилмаслиги ёхуд ўзга жамоаларнинг натижасига боғлиқ бўлиб қолиши мумкин.

Осиё Кубоги саралаш учрашувларининг иккинчи тури тугади. Фақат икки жамоа Саудия Арабистони ва Япония футболчиларигина навбатдаги босқич — чорак финалга йўлланма олдилар.

Мухлислар эътиборига кечаги кунгача бўлиб ўтган 12 ўйин натижаларини ҳавола этамиз:

БАА — Корея — 1:1, Индонезия — Қувайт — 2:2, Саудия Арабистони — Тайланд — 6:0,Эрон — Ироқ — 1:2, Япония — Сурия — 2:1, Хитой — Ўзбекистон — 0:2, БАА — Қувайт — 3:2, Корея — Индонезия — 4:2, Саудия Арабистони — Ироқ — 1:0, Таиланд — Эрон — 1:3, Ўзбекистон — Япония — 0:4, Хитой — Сурия — 3:0.

Икки турдан сўнг гуруҳлардаги жамоаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

**«А» гуруҳи**

| Жамоалар | Ю. | Д. | М. | Т/Н | О |
|---|---|---|---|---|---|
| Корея | 1 | 1 | 0 | 5:3 | 4 |
| БАА | 1 | 1 | 0 | 4:3 | 4 |
| Қувайт | 0 | 1 | 1 | 4:5 | 1 |
| Индонезия | 0 | 1 | 1 | 4:6 | 1 |

**«В» гуруҳи**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Саудия Арабистони | 2 | 0 | 0 | 7:0 | 6 |
| Эрон | 1 | 0 | 1 | 4:3 | 3 |
| Ироқ | 1 | 0 | 1 | 2:2 | 3 |
| Таиланд | 0 | 0 | 0 | 1:9 | 0 |

**«С» гуруҳи**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Япония | 2 | 0 | 0 | 6:1 | 6 |
| Хитой | 1 | 0 | 1 | 3:2 | 3 |
| Ўзбекистон | 1 | 0 | 1 | 2:4 | 3 |
| Сурия | 0 | 0 | 2 | 1:5 | 0 |

Кеча «А» гуруҳида БАА — Индонезия ҳамда Қувайт — Корея ўртасидаги учрашувдан сўнг яна икки жамоа навбатдаги босқичга йўлланма олди. Бугун Саудия Арабистони Эрон футболчилари билан, Ироқ Тайланд терма командаси билан учрашади. Эртага Япония — Хитой, Ўзбекистон — Сурия футболчилари ўртасидаги ўйинлар билан саралаш баҳслари поёнига етади.

***Шароф УМИРОВ.***

# ЧИНОЗДАН ЧЕМПИОНЛАР ЧИҚАДИМИ?

**Туманда жисмоний тарбия ва спорт ишларини талаб даражасига кўтариш учун фидойилик ва ташаббус етишмаяпти.**

***ОЧИҒИНИ айтиш керак. Чиноз тумани илгарилари ўзининг ажойиб спортчилари, жамоалари билан фахрланарди. Бунга асос ҳам бор эди. Афсуски, бугунга келиб туманнинг физкультура ва спортдаги ана шу мавқеи сўнди. Мана бир неча йилдирки, республика биринчиликларида биронта ҳам чинозлик спортчининг номи тилга олинмаяпти. Хўш, нега?!***

Биз ана шу мулоҳазаларни тумандаги мутасадди раҳбарларга билдирганимизда улар аввалига эътироз билдиришди. Кейин эса ҳақиқатни тан олишди. Узоққа бормайлик, бу ерда республика Вазирлар Маҳкамасининг футболни янада ривожлантириш ҳақидаги қарорининг қандай бажарилаётганлигини таҳлил қилиб кўрайлик. 1994 йилгача ажойиб ўйин кўрсатиб, республика биринчилигида юқори ўринларни эгаллаб келган, вилоят чемпиони бўлган «Чиноз» футбол жамоаси туманнинг ўйингоҳи биринчилик низоми талабларига жавоб бермаганлиги учун мусобақадан четлатилди. Афсуски, орадан икки йилдан ортиқ вақт ўтганлигига қарамасдан ўйингоҳни тартибга солиш, биринчилик талабига жавоб берадиган даражада жиҳозлаш учун бирон жўяли иш қилинмади. Туман раҳбарияти эса бу борада қатъий чоралар кўриш ўрнига «униси бўлмаса, бунисида, футбол ўйнасак бўлди-да» дея осон йўлни танлашди. Вилоят чемпиони бўлган жамоа бугун тармоқ мусобақаларида қатнашиб юрипти.

Физкультура ва спортнинг бошқа турларини ривожлантириш масаласида ҳам ана шундай ачинарли фактларни келтириш мумкин. Рейд гуруҳи аъзолари уларга тааллуқли бир қатор натижаларни, камчиликларни мутасаддиларга кўрсатишди.

Ниҳоят улар масаланинг моҳиятини тушуниб, камчиликларни бартараф этишга, ўйингоҳни таъмирлашга, келгуси мавсумда туман футболчилари албатта, вилоят биринчилигида қатнашади, деб ваъда беришди.

Биз эса шу куни тумандаги яна бир қатор ўйингоҳлар, спорт мактабидаги аҳволни бориб кўрдик...

## ЎЙИНГОҲМИ... ЯЙЛОВМИ?

ЧИНОЗНИНГ марказий ўйингоҳига келиб у ердаги аҳвол билан танишгач, таъбимиз янада хиралашди. Кун ярмидан оғиб, айни машғулотлар қизийдиган пайтда бу ерда на қоровул, на ўйингоҳнинг бирор ходими-ю, раҳбари йўқ. Тўрт-беш сигир ўтлаб юрибди. Майдон ўйдим-чуқур, бамисоли шудгор қилингану, ташлаб қўйилган. Текширув гуруҳи аъзолари бир овоздан майдонни таъмирлаб бўлмаслигини, уни бутунлай янгидан қайта қуриш лозим деган хулосага келдилар. Туман спорти мутасаддилари ҳам бу фикрга тўла қўшилдилар. Ўйингоҳ теварак-атрофи ифлос. Бу ерга яқин-орада қўл ораламаганлиги сезилиб турипти. Ўйингоҳ дарвозасининг ўнг томонида 1994 йилги (ҳа, ажабланманг икки йил бурунги?!) вилоят биринчилиги мусобақаларининг тақвим кўрсаткичи кўзингизга ташланади. Ундаги ҳисоблар ўчиб кетган, фақат жамоа номлари қолган, таажжубланганимизни кўриб, жамоа бошлиғи Вали Шерматов ўша мавсумдаги ўйинларни эслаган бўлди. — Қибрайнинг «Маданият» футболчиларини 8:0 ҳисобида енггандик!!!

— Ўша сизлар йирик ҳисобда ютган қибрайликлар бугунги кунда Ўзбекистон биринчилигининг биринчи табақасида ўйнашяпти. Сизлар бўлсангиз... касаба уюшмалари вилоят биринчилигининг чемпионисиз...

— Шароит бўлмагандан кейин.

— Шароитни яратиш керак, фидойилик, ташаббус кўрсатмоқ даркор. Қўл қовуштириб ўтираверсангиз, ўша ғалабани тушингизда ҳам кўрмайсизлар...

## НОМИ БОРУ, ЎЗИ ЙЎҚ

БОЛАЛАР ва ўсмирлар спорт мактабининг номи бору ўзи йўқ. Ҳайрон бўлманг. 40-мактаб биносининг эшиги бору, деразаси йўқ, кундузи чироқ ёқиб ўтириладиган бир хонасида спорт мактаби маъмурияти жойлашган. Бу ерда раҳбар, котиба, илмий мудир, ҳисобчи ва ...масалани ҳал қилгани келиб-кетиб турадиган мураббий устозларни учратиш мумкин. Машғулотлар туманнинг турли мактабларида ўтади. Спорт мактабида бешта — футбол, баскетбол, бокс, оғир атлетика ва кураш бўлимлари мавжуд бўлиб, унда 17 мураббий 670 ўқувчига таълим беради. Оғир атлетика машғулотлари Олмазордаги 49-мактабда, боксчилар дарси 2-мактабда, футболчилар 4-мактабда, курашчилар — 40 мактаб спорт залида шуғулланишади.

Боксчилар шуғулланадиган зални «спорт зали» дейишга тилинг бормайди. Бир вақтлари мактаб қозонхонаси ёки омбори учун мўлжаллаб қурилган 6-7 метр келадиган бу ерда 30 га яқин болакай Руслан Каримбеков бошчилигида машғулот ўтказаётган экан. 2 та осма қопу 4-5 қўлқопдан бўлак ҳеч вақоси йўқ хонадаги ночор аҳволни кўриб мақталгани шу бўлса, мақталмагани ҳоли не бўларкин деган хулосага келдик. Бетон устига брезент тўшалган. Хуллас, номи бору ўзи йўқ спорт мактабининг аҳволига ачинишу, болакайларнинг спортга бўлган меҳр-муҳаббатига тан бериб қайтдик.

Бир вақтлар нафақат вилоят, балки республикага донғи кетган оғир атлетикачилар етиштирган Олмазордаги мактабнинг бугунги аҳволи ҳам ночор. Ҳаво айниди дегунча машғулотлар тўхтатилади. Негаки бино чакка остида қолади. Саккиз йилдан бери таъмирланмаган спорт зали нурашга келиб қолган. Пол чириб кетган. Энг хавфлиси ҳаммаёқни газ ҳиди қоплаган. Иситиш қозони ҳам залнинг ўзида бир бурчакка ўрнатилган. Мос труба йўқ эмиш, аччиқ тутун чиқиб ётибди. Кўнгилсиз ҳодиса содир бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Аҳвол ана шунақа.

Тумандан нохуш кайфият билан қайтяпмизу, ўзимча ўйлайман. Спорт мактабида таълим олаётган 670 ўғил-қизнинг лоақал бир фоизи, яъни 6-7 нафари КАТТА СПОРТга чиқармикан? Ёки мураббийларга тўланаётган маблағ беҳуда совурилиб, болакайларнинг умри зое кетармикан? Яна ўзимга-ўзим савол бераман. Яқин орада Чиноздан чемпионлар чиқармикан? Яна ўйлайман. Бугунги кунда жаҳон миқёсида қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоалари сафида Чиноздан бирорта вакил йўқлигининг боисини бу ердаги спортга бўлаётган муносабатдан ахтариш керакмасмикан? Ўзбекистон спартакиадасида ва биринчиликларида чинозликлар номи қайд этилмаётганлигининг боиси ҳам шунда эмасмикан?

***Шарофиддин УМУРЗОҚОВ,* *«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

*Ўзбекистон — Япония ҳамкорлиги*

## ФОТОСУРАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет театрида япон фотоусталарининг «Япония — бугун» деб номланган кўргазмаси очилди. Унда мазкур мамлакат ҳаётига оид турли жанрларда яратилган суратлар, шунингдек, китоблар, рассомлар асарларининг тўпламлари намойиш этилмоқда. Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси билан биргаликда ташкил этган бу кўргазма Япония миллий байрамига бағишланди. Кўргазма очилишида «Ўзбекистон — Япония» дўстлик жамияти, ижод аҳли вакиллари, Тошкент олий ўқув юртларининг талабалари иштирок этди.

Кўргазмани халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасининг раиси М. Мирқосимов очди.

Қадимда бизни Буюк ипак йўли бирлаштириб, дўстлик алоқалари ўрнатишга имкон берган эди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўтган қисқа вақт ичида Япония билан алоқалар қайта тикланиб, ривожланиш босқичига кирди. Хусусан, ўтган ойда Японияда Ўзбекистон маданият кунлари катта қизиқиш билан ўтгани, бугун Япония ҳаётига бағишланган фотокўргазманинг очилиши ҳам шундан далолатдир.

Кўргазма очилишида дўст мамлакатда ижодий сафарда бўлган давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли санъаткорлари концерт намойиш этди.

***ЎзА.***

## МИЛЛИЙ СПОРТИМИЗ НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

Таиланд қироллиги пойтахти — Бангкокда. 10—16 декабрь кунлари анъанавий спорт ва ўйин турлари бўйича иккинчи бутунжаҳон фестивали бўлиб ўтади. Фестивал ташкилот қўмитасининг қарорига кўра, ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтказилаётган ушбу тадбирда жаҳоннинг 48 мамлакати қаторида илк бор Ўзбекистон Республикаси спортчилари ҳам иштирок этади. Фестивалда мамлакатимиз вакиллари фарғонача, бухороча кураш усуллари ҳамда турон кураши турлари, шунингдек, «Камал ҳимояси», «Чиллак», «Минди» каби миллий спорт ўйинларини намойиш қилади. Фестивал доирасида миллий спорт ва ўйин турларини ривожлантиришга бағишланган илмий анжуманни ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

***Б. МАНСУРОВ,* *ЎзА мухбири.***


# КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

**Давлат мулк қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси ва республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали автотранспорт воситаларини сотиш бўйича кимошди савдоси ўтказади.**

***Унга қуйидаги автомашиналар қўйилади***

| Русуми, тури | давлат рақами | автобазанинг манзили | амалда юргани км. | чиқарилган йили | бошланғич қиймати сўм |
|---|---|---|---|---|---|
| РАФ—22038 | 27—60 ТШР | Бекобод шаҳри | 168596 | 1982 | 28800.0 |
| ЗИЛ—ММЗ —554 | 16—13 ТШП | Паркент тумани | 402600 | 1987 | 60700.0 |
| ГАЗ—52—01 | 76—10 ТШМ | Паркент тумани | 494710 | 1985 | 34900.0 |
| ЕрАЗ 762В | 16—12 ТШП | Паркент тумани | 540418 | 1987 | 33700.0 |
| ГАЗ—53Б | 71—19 ТШЛ | Паркент тумани | 710840 | 1983 | 32000.0 |
| РАФ—22036 | 45—13 ТШП | Янгийўл тумани | 825000 | 1990 | 42.000.0 |
| МАЗ—5549 | 16—44 ТШЦ | Юқори-чирчиқ тумани | 492224 | 1981 | 70800.0 |
| ЖАМИ | | | | | 302900.0 |

**Шунингдек Чиноз тумани ҳокимлигининг қурилиши тугалланмаган биноси ҳам сотишга қўйилади. Бошланғич нархи: 192392.0**

***Кимошди савдоси 1996 йил 23 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент вилояти ҳокимлигининг биносида ўтказилади.***

Юнусобод туманидаги 274-ўрта мактабнинг тўрт бурчакли штампи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Зангиота туманига қарашли «ВАР» Агрофирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


# «ДОМЛА»дан «КЎНГИЛ КЎЧАЛАРИ»гача

SONY

***Дунёга нима учун келамиз? Нима учун кетамиз? Эҳтимол, бу савол сизга маъқул тушмагандир? Чунки, биз доимо маслаҳат, панд-насиҳат эшитаверишдан чарчаймиз. Кўнгил саргузаштли, қисмат билан боғлиқ воқеаларни қўмсайди.***

100 ЁШГА етган бир қария болалик чоғларини эслаб, у даврнинг одамлари тунлари бахши-шоирлар куйлаган «Алпомиш», «Гўрўғли» достонларини тинглаб улғайганлигини айтди. Балки, қадим Турон аҳлининг бўш вақтлардаги овунчоғи айнан шу «кўп қисмли» достонлар бўлгандир. Дарвоқе, нега бу достонлар «кўп қисмли»? Бугун ҳам шундай достонларга эҳтиёж туғилмадимикин? Агар шундай туйғу қалбларимизда мавжланган бўлса, демак «Бойлар ҳам йиғлайди» қабилидаги телесериаллар керак. Хўш шундай телесериаллар борми?

Худога шукурки, Ўзбекистон ойнаи жаҳони ижодкорларининг самарали изланишлари туфайли, биз ўзбек киночилари яратган «Домла» номли фильмни илк бор томоша қилишга муяссар бўлдик. Афсуски, қувонч ҳам, «Домла» ҳам узоққа чўзилмади. Кейин эса «Морена Клара», «Ўргимчак тўри», «2000 йилдан сўнг» каби бошқа тиллардан ўгирилган фильмлар қаторида яна бир ўзимизнинг «Кўнгил кўчалари» видеофильми ҳам пайдо бўлди. Аста-секин экран, ўзбек томошабинларини ҳам оҳангработдек ўзига торта бошлади. Ниҳоят, томошабинларга танлаб-танлаб кўриш имконияти туғилди. Ана энди, кимга қайси телесериал маъқул эканлигини сўрасак ярашади.

**Алишер Бекжонов:** — Мен «Ўргимчак тўри» фильмини интизорлик билан кузатиб боряпман. «Домла» эса ёқмади.

**Дилмурод Соипов:** — Ўзимизнинг киноларни мунтазам кўраман яъни, «Домла» билан «Кўнгил кўчалари», бироқ «Домла»ни нега тўхтатиб қўйишди?

**Зарифа Эркабоева**: — «Морена Клара»ни яхши кўриб боряпман...

**Ҳамидулла Раҳматуллаев**: — Менинг учун энг зўри «Кўнгил кўчалари». Шу фильмни кўпайтириш керак. Анави «Санта Барбара» жонга тегиб кетди...

*Мулоҳаза*

**Зуҳра Ортиқова**: — Ўзбекистон бўлгач, ўзбекларга хос киноларни ойнаи жаҳонда қўйиш керак-да, «Морена Клара», «Янги қурбон» кабилар шахсан менга умуман «ўтиришмади». «Домла» билан «Кўнгил кўчалари»ни эса мароқ билан томоша қиляпман.

**Шоира Мирзахонова:** — Ҳамма телесериалларни кўраман, аммо «Кўнгил кўчалари»даги одоб-ахлоққа чақириқ менга ёқади.

**Шаҳноза Исломова**: — «Домла»ни нега кўрсатишмаяпти? Ахир, воқеалари, унут бўлди ҳисоб-ку? Энди бошидан бошлаш керак...

**Хулкар Усмонова**: — «Домла» маъқул бўлаётувди, негадир бермай қуйишди. «Кўнгил кўчалари» яхши-ку, бироқ, анави, Мардон домла ўзининг хотинига ёрдамлашмай, нуқул бировларнинг хотинларига кўмаклашиб юради...

**Зинаида Паско**: — «Санта Барбара»ни ҳеч кўрган эмасман, ёқмайди. «Янги қурбон»ни иложсизликдан томоша қиламан. Аммо қизиқиб эмас...

Бу рўйхатни истаганча чўзиш мумкин. Лекин кўпчиликнинг фикрига таяниб ва сўровлар натижасида қайси телесериал томошабинларга энг маъқул тушаётганлигини аниқлаш фурсати етди.

10-9-ўринларга телесериаллар сони етгани йўқ.

8-фахрли ўрин «Санта Барбара»га тегди. Мабодо телесериаллар сони 20 та бўлганда шубҳасиз 20-ўрин шу фильмга тегишли бўлур эди.

7-ўрин «Юки-Набо «Зао» тоғи»га тааллуқли бўлди.

6-ўрин «Янги қурбон»га насиб этди.

5 — «2000 — йилдан сўнг» фильми шу аъло баҳога лойиқ деб топилди.

4лик «Клара-Валентин-Линда-Андино» ва «Морена Клара»га ҳам 4-ўрин.

3-ўринга ҳозирча «тўхтаб» турган бўлса ҳам, томошабинлар қалбига яқин «Домла» фильми лозим кўрилди.

2-ўринни италиялик кинoижодкорлар яратган даҳшатга, отишмаларга, маҳфия ҳаётига қоришиб кетган «Ўргимчак тўри» телесериали олди.

1-ўринни жуда кўп сонли мухлислар талаби билан, ўзимизнинг қадрдон «Кўнгил кўчалари» видеофильмига бердик.

Шундай қилиб қайси телесериал инсонлар қалбидан қанчалик жой олаётганини билиб олдингиз. Энди яна бир нарсани билиб олинг! «Домла» телесериалининг қолган қисмларини суратга олиш жараёни давом этмоқда. 1997 йил январь ойидан эътиборан «Домла»ни бир бошидан томоша қиласиз деб ишонч билдирамиз. Шунингдек, «Домла» 25 дақиқа эмас, энди 40 дақиқа «дарс» ўтадилар.

***Тўлқин ЁРҚУЛОВ,* *«Тошкент ҳақиқати»* *мухбири.***

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0697. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8498 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6